



Геологик тадқиқотларга кўра, Шаркий Туркистон худуди ўрнида тахминан бундан 1 миллиард йил илгари катта денгиз бўлган экан. 300 млн. йил олдин ерда юз берган геологик ўзгаришдан сўнг ушбу худуд курукликга айлана бошлаган. Химолай ва Помир тоғларининг секин-аста ўсиб бориши бу заминга катта таъсир кўрсатган.

Жунгор пасттекислиги ва Такламакон чўли тагида катта микдорда нефть захирасининг аниқланиши, Тангритоғ этақларидаги тақирликларда тошга айланиб кетган ўсимликларнинг ва катта дарахтларнинг кўплаб учраб туриши, Турфон билан Кумул оралигида динозавр устихонининг топилиши мазкур худудда катта географик ўзгариш юз берганлигини кўрсатади.

Хозирги Шинжон-Уйгур мухтор райони (хитойча Синьцзян вэйвуэр зичжи чўй) -ХХРнинг шимоли-гарбий қисмидаги миллий ўлканинг номи бўлиб, у 1955 йил 1 октябрдан бошлаб расмий жорий этилган. Шунгача мазкур ўлка рус ва гарб адабиётида Шаркий Туркистон, Хитой Туркистони, Туркия адабиётида Дўғи Туркистон, Хитой адабиётида Шинжон (русча транскрипцияда Синьцзян). Қадимги хитой манбаларида Шиюй (Шиюй — Гарбий замин, Гарбий юрт, Гарбий мамлакатлар), XIV асрга оид хужжатларда ва XVI—XVII асрларда битилган форсизабон кўлёмаларда Уйгурия, Уйгуристон, деб номланган. «Шинжон» сўзи 1760 йилда пайдо бўлган бўлиб, у «янги чегара» ёки «янги худуд» маъносини англатади.

Шаркий Туркистон бир неча минг йиллик тарихга эга. Такламакон чўли атрофида топилган жасадлар ва бошқа ашёвий далилларга кўра, мазкур чўл атрофидаги худудларда 5—6 минг йил муқаддам анча юксак маданиятга эга ҳаёт мавжуд бўлган. Шу даврда яшаган одамлар баланд бўйли, кирра бурунли эди. Хитой манбаларининг гувоҳлигига кўра, бундан 4 минг йил илгари Шаркий Туркистонда рунг, рунг-ди ёки ди-рунг гарбий рунг деб номланган туркий халқ яшаган. Мил. ав. III—II асрларда Шаркий Туркистонда Крурона, Турфон, Кучар, Кашкар— (Сули), Еркенд (Юйтян), Хўтан (Удун), Усун каби давлатлар мавжуд бўлиб, улар Кун ҳақонлиги таъсирида бўлган. шу замонда хитойда мавжуд бўлган Гарбий ва шаркий Ханн империялари ушбу ўлкани кўлга киритиш ва Хитойдан Гарбга борадиган Буюк ипак йўлини ўз назоратига олиш учун тинмай ҳаракат қилди, айрим йилларда ўз мақсадларига вақтинча эришган бўлса ҳам, аммо уни бутунлай хунлардан тортиб ололмади.

Шинжон маъмурий жихатдан марказга бевосита итоат қилувчи 2 та шаҳар (Урумчи ва

Корамой), 5 мухтор вилоят, 8 худуд, 6 мухтор нохия, 68 нохияларга бўлинган. Хозир унда 57 миллат вакиллари, жумладан ислом динига итоат килувчи 13 махаллий миллат яшайди. Расмий маълумотларга кўра, 1998 йилда Шинжоннинг аҳолиси 17,5 млн. кишидан иборат эди, жумладан 8 млн. уйгур ва жами 2 млн. га яқин козок, дўнгон, киргиз, ўзбек, тожик ва бошқалар яшайди. 1982—2000 йиллар давомида аҳолиси 5,5 млн. кишига кўпайган. Аҳолининг ярмига яқин қисми хитой (ханцзу) лардан ташкил топган. Шу хисобдан келиб чиққанда, 2003 йилда Шинжоннинг аҳоли нумуси 19 млн. бўлиши керак. Хорижли олимлар орасида айни замонда хан миллатининг кўчиб келиши хисобига Шинжоннинг аҳоли сони 30-35 млн. атрофида бўлиши керак.

Шинжоннинг атрофи Олтой, Монголия Олтойи, Гарбий Тангриот (Тяньшан), Помир, Коракурум ва Тибет тоғлари билан ўралган. Гарбдан шаркка қараб чўзилиб кетган Шаркий Тангриот (баландлиги 7000 м дан зиёд) унинг худудини 2 қисмга бўлиб туради. 1635 йилда тоғнинг шимолида Жунгор хонлиги деб номланган ойратлар давлати ташкил топгандан кейин унинг худуди Жунгория, деб аталди. Тангриотнинг жануби эса Кашқария деб номланди. «Шинжон» атамаси юзага келгандан сўнг хитойлар Шимолий-Шаркий Туркистонни, яъни Жунгорияни Бэйцзян (Шимолий Шинжон), Жанубий Шаркий Туркистонни Наньцзян (Жанубий Шинжон) деб аташни одат қилган. Жанубий-Шаркий Туркистонда дунёдаги энг катта чўллардан Такламакон чўли жойлашган.

Шу жойда таъқидлаб ўтмоқ жоизки, шаркий Туркистон Шарк билан Гарбни боғлаб турган Буюк ипак йўлидаги муҳим худуд бўлганлиги туфайли доим йирик давлатлар, жаҳонгирларнинг эътиборини, тортиб турган. Шу боис ўлкада халқларнинг кўчиш (миграция) жараёни жиддий тус олган ва бу ердаги давлатчилик тарихининг ривожланиши доим сиртки таъсир остида бўлган. Мил. ав. 1-миң йилликнинг дастлабки 8 асри давомида Шаркий Туркистоннинг асосий қисми Тангриот яйловларини марказ қилган Рузие (Юэжи) давлати назорати остида эди. Шундан кейинги бир неча аср давомида ўлкага хунлар ҳукмронлик қилди. Шу орада ушбу ўлка вақтинча Хан империяси қўлига ўтган фурсат ҳам бўлди. III—IV асрларда ўлқанинг шимолий қисми сяньби, V—VI асрларда журжан (руру) давлатлари назоратида бўлди. VI асрнинг 2-ярми — VII асрнинг ўрталаригача ўлка Турк хокронлиги, VII асрнинг ўрталаридан VIII асрнинг ўртасигача Тан империяси, VIII асрнинг 70-йилларида унинг жанубий қисми (хрзирги Кучор, Хўтан, Корашахар, Кашгар) тибетликлар, IX асрнинг ўрталаридан XIII асргача Қорахонийлар Давлати, XIII—XIV асрларда мўғуллар назоратида бўлди. Қарахонийлар Давлати даврида Шаркий Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаёти юксалди. 1465 йилда дуглот авлодига мансуб бўлган Абу Бакр (1514 й.да ўлдирилган) бошчилигида Ёркенд шаҳрини марказ қилган хонлик ташкил топди.

Хозирги даврда Шинжонда саноатнинг ривожланиши билан бирга йўл қурилиш ишларига эътибор қучмоқда. Шаркий Тангриот бўйлаб қурилган темир йўли Шинжонни шаркда ХХРнинг ичкари ўлкалари ва Вьетнам билан, гарбда Қозогистон орқали Россия билан, Ўзбекистон, Туркманистон орқали Эрон билан ва Европа билан улаб туради. Яқинда темир йўл Қашқаргача қуриб битирилди. У яқин келажакда Қирғизистон орқали Ўзбекистонгача тортиб келинади. Замонавий тезюар автойўллар ҳам қурилмоқда. Айни пайтда Шинжондан Покистонга ва Марказий Осиё давлатларига ўтадиган 2- ва 3-даражали автойўллар ишлаб турибди.

Орадан кўп ўтмай ушбу хонлик доирасига Хўтан ва Кашкар вилоятлари кирди. 1499—1504 йиллар давомида ушбу хонлик худуди таркибига Оксув, Учтурфан вилоятлари кирди. 1514 йил Ёркенд тахтига Туглук, Темур авлоди бўлмиш Султон Саидхон ўтирди. Шундан кейинги икки йил давомида Шаркий Туркистоннинг колган жойлари ҳам ушбу хонлик ихтиёрига ўтиб, шарқда унинг чегараси Буюк Хитой девори бошланган жой (Цзяюйгуан)гача етди. XVI аср ва XVII асрнинг 1-чораги давомида Ёркенд хонлиги хар томонлама юксалди.

Абдулкарим Сотук Бугрохон

Султон Корахон (859—955) — корахонийлар сулоласи асосчиси. 880 й. Торим водийсининг Лўп, Чарчан, Хўтан, Кучор ш.лари жойлашган х.удудида марказлашган хокимиятга асос солган. Ривоятларга караганда, у Кашкарга савдо карвони билан келган Хожи Абу Наср Сомоний воситаси билан ислом динини биринчи бўлиб қабул қилган ва 12—25 ёшларида Куръони Каримни ёд олган. Абдулкарим Сотук, Бугрохондан бошлаб ислом дини Кашкар, Ёркенд, Оксув ва Хўтанга тарқалган. Унинг қабри Кашкарнинг Остин Ортуш мавзесида бўлиб, мусулмонлар орасида табаррук зиёратгоҳ, сифатида машхур.

1635 йилда Ёркенд давлатининг шимолида, яъни Жунгорияда яшаётган ойрот қабилаларининг қучайиши натижасида янги хонлик ташкил топди ва у тарихда Ойрот давлати ёки Жунгор хонлиги деб номланди. XVII асрнинг охирида ойротлар Махдуми Аъзам авлоди бўлмиш Оффокхўжани кўллаб-қувватлаб Ёркенд хонлиги тахтига ўтказиш йўли билан ушбу хонлик устидан ўз назоратини ўрнатди. Шундан сўнг Ёркенд хонлиги хокимияти хўжалар сулоласи кўлига ўтди.

XVIII асрнинг 60-йилларида Шаркий Туркистон манжурлар томонидан Хитойда ташкил этилган ва Цин деб номланган империя томонидан забт этилди, ушбу мамлакатда мавжуд бўлган Ёркенд ва Жунгор хонликлари йўқ, қилиб ташланди, тирик қолган тахт ворислари Пекинга олиб кетилди, Шаркий Туркистонда асрлар давомида мавжуд бўлган анъанавий давлатчилик тузумига чек қўйилди. Шаркий Туркистонга «Синьцзян» деб ном берилди. Шундан кейин бу ўлкада хўжалар бошчилигида Цин босқинчиларига қарши кўзғолонлар қучайди. 1864 йилда бошланган умумхалқ кўзғолони натижасида бирин-кетин Кучар, Кашкар, Хўтан, Урумчи хонликлари, Или султонлиги қаби 5 мустақил давлат ташкил топди. 1867 йилда Ёқуббек бошчилигида олдинги 3 хонлик бирлаштирилиб Иетишар (Еттишахар) давлати тузилди, 1872 йилда унга Урумчи хонлиги қўшилди. 1871 йилда Или водийси рус армияси томонидан эгаллаб олиниши муносабати билан Или султонлиги тугатилди.

Шаркий Туркистонни қайтадан истило қилиш мақсадида Цин империяси 60 минг кишидан иборат қўшинни сафарбар қилиб, Иетишар (Еттишахар) давлатини йўқ, қилди, кўзғолончилар қиргинга дуч келди, тирик қолганлар хозирги Марказий Осиё республикалари худудига қочиб қутилди. Шаркий Туркистонга «Синьцзян шэн» («Шинжон провинцияси») мақоми берилди. 1911—1913 йилларда юз берган миллий озодлик ҳаракати натижасида Шаркий Туркистонда ҳам Цинлар ҳукмронлиги тугатилди. Мазкур воқеадан кейинги 40 йил давомида Шаркий Туркистон кўп марта уруш алангасида ёнди, хокимият тез-тез ўзгариб турди. 1928—1933 йилларда мавжуд бўлган Хожиниёзхожи Хокимияти, ундан кейин юзага келган Шэн Шицай ҳукумати ва 1944

йилда бошланган "Уч вилоят инкилоби" натижасида ташкил топган Шаркий Туркистон жумхурияти» ана шулар жумласидандир. 1949 йил сентябрда ушбу жумхурият раҳбарлари Пекинга учиб кетаётганида сирли равишда авиа халокатига учрадилар. Шундан кейин «Шинжянг шэнг» ХХР таркибига киритилиб, унга 1955 йил октябрда Шинжон-Уйгур автоном райони (Шинжянг-Вэйуэр зичжи чюй) номи берилди.

Ёкуббек

Мухаммад Ёкуббек Бадавлат, Оталик гозий (1820, Пискент — 1877, Шаркий Туркистоннинг Кўрла ш.) — Кўкон хонлигининг харбий ва давлат арбоби, Еттишахар Уйгур давлатининг Хукмдори (1865—77). Тогаси Тошкент козиси бўлиб тайин-ланиши ва синглисининг Тошкент хокимига турмушга чиқиши муносабати билан унинг мавкеи тез ўсган, хон ўрдасида махрам, кейинчалик элликбоши, юзбоши, понсод (бешюзбоши) бўлган, Чиноз ва Авлиёота (1846)га, Окмачит (1847)га бек қилиб тайинланган. Ёкуббек Окмачитда кушбеги лавозимига кў-тарилиб, рус босқинчиларига қарши курашда жасур саркарда эканлигини кўрсатган. 1864 йилда Шаркий Туркистонда Манжур империясининг зулмига қарши мустақиллик учун кураш бошланиб, бешта хонлик юзага келади. Қашқар хонлиги мамлакатни бирлаштириш мақсадида Кўкон хонлигидан Ёркенд хонлигининг тахт ворисларидан бирини Шаркий Туркистонга юборишини илтимос қилган. Ёкуббек Бузрукхўжага кушбеги қилиб тайинланиб Қашқарга юборилган (1865). У Бузрук-хўжанинг давлат ишларига қобилиятсизлигидан фойдаланиб, хокимиятни ўз қўлига олган. У бошда Бузрукхўжа ва б. хўжалар номидан иш юргизиш, Или султонлигидан ташқари (мазкур хонликни 1871 й. руслар босиб олган) 4 хонликни (Қашқар, Хўтан, Қучор, Урумчи хонликларини) бирлаштириб Етти-шахар Уйгур давлатини тuzган. Ёкуббек Еттишахарнинг раванқ, топиши ва дунёга танитиш учун катта ишларни қилган. Ёкуббек хонлиги даврида кўплаб масжид, мадраса, қарвонсарой қурилган. Ёкуббекни энг яқин қишилари билан бири, Хўтан беги Ниёз Ҳаким захар бериб ўлдирган. Ёкуббек ўлиmidан кейин тахт учун кураш бошланган. Хитой ички зиддиятлардан фойдаланиб, 1878 йилда Еттишахар давлатини тугатган. Шаркий Туркистонда манжурлар ҳукмронлиги қайта тикланган.

Шаркий Туркистон будда ва ислом динининг Хитойга тарқалишида воситачилик қилган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Буддизм Ушбу ўлкага мил. ав. II—I асрларда тарқалган. Бу ўлкадаги Хўтан ва Қунар давлатлари ушбу диннинг марказлари сифатида намоён бўлган. Мил. 1-асрдан бошлаб бу ердаги буддавийлар Хитойга бориб ўз динларини тарғиб этганлар, диний асарларни хитой тилига таржима қилиш билан шугулланганлар. Будда дини тарқалиши билан ўлкада серхашам гор ибодатхоналар (Минг уй) қурилган, шу билан бирга рассомлик ва хайкалтарошлик санъати ривожланган. Қучар ёнида ва Турфонда сақланиб қолган будда ибодатхоналари ёдгорликлардан маълумки, рассомлик санъати асарлари — деворий расмларда хинд маданияти таъсири сезилиб туради. Бу расмлар услубий жиҳатидан Ўзбекистон ҳудудидан топилган деворий расмлардан деярли фарқ қилмайди.

Шаркий Туркистонга ислом VIII асрдан бошлаб тарқалган. Аммо ушбу диннинг давлат динига айланиши X асрда содир бўлган. Шундан бошлаб ушбу ҳудуд ислом динининг

шаркга таркалишида муҳим аҳамият касб этган. Ислом дини тарқалган жойларда масжид ва макбаралар қуриш ҳам тез ривожланган. Шу боис ўлка Гарб билан Шарк, маданияти ўртасида кўприк вазифасини ўтади, деб айтилиши тўла асослидир.

Буюк ипак йўлининг бу ўлка ҳудудидан ўтганлиги маҳаллий маданият ривожига самарали таъсир кўрсатган. Шунинг учун ушбу ўлкада қимматбаҳр тошлардан буюм ясаш, пахтачилик ва ипакчилик, жун, пахта ва ипакдан мато тўқиш, бош кийим тикиш, жундан гилам тўқиш санъати яхши ривожланган. Сўнгги даврда Такламакон чўли атрофидан топилган ашёвий далиллар ушбу минтақада тўқимачилик хунари бир неча минг йиллик тарихга эга эканлигини кўрсатади. X—XI асрларда ипак матога, қрғозга расм ишлаш, китоб миниатюраси ривож топган. XIII асрдан бошлаб, айниқса Ёркенд хонлиги даврида шаҳар ансамбллари, серхашам саройлар қурилган. Ёркенддаги хон саройи ва У ердаги Омоннисахоним макбараси, Қашқардаги хон ўрдаси, Хайитгоҳ мажмуаси, Юсуф хос Хожиб ва оффокхўжа макбаралари шулар жумласидандир. Уларда Ўрта Осиё меъморлиги таъсири қузга ташланади. Айнан шу даврда уйгур 12 мақоми (муқоми) яхлит бир асар сифатида тартибга солинган, тарихий, шеърий асарлар ёзиш, форс тилида битилган асарларни уйгур тилига таржима қилит ишлари кенг ёйилган.

Шаркий Туркистон музика санъати ҳам бир неча минг йиллик тарихга эга. Сўнгги 30 йил давомида ХХРда нашр этилган санъат соҳасига оид бир неча асарларда қелтирилган маълумотларга кўра Гарбий Хан сулоласи ҳукмдори Гаозу (мил. ав. 206—195 йиллар) даврида Хўтан музикаси Хитой пойтахти Чанъанда янграган. Мил. ав. II—I асрларда бу ерда ўтқазилган маросимларда «28 нағма», «Сарик лайлак қуши садоси», «Синган толлар», «Иўловчилар илтижоси» каби Шаркий Туркистон музикаси ижро этилган ва маҳаллий халқ, орасида катта қизиқиш уйғотган. Турфонда топилган тош битикларда ҳам қадим замонда ушбу минтақада юксак савияга эга бўлган музика санъати маъжудлиги ақс эттирилган. VII—VIII асрларда яшаган йирик хитой шоирларининг асарларида ҳам Шаркий Туркистон музикаси Қадимги Хитойда севиб эшитилганлиги қайд этилган.

Шаркий Туркистон адабиёти ҳам узок, тарихга эга. Аммо ушбу ўлка кўп марта уруш алангасида ёнганлиги туфайли ёзма адабий меросларнинг ақсарият қисми йўққолиб қетган. Ушбу ўлкада 24 хил ёзувда ва 17 тилда битилган қўлёзмаларнинг топилиши, ишлатилган ёзувларнинг кўплиги бу ердаги адабий жараён турли маданиятлар таъсирида бўлганлигини кўрсатади. X асрда араб алифбоси жорий этилиши билан маъмур жараёнга ислом маданиятининг таъсири қучайган.

Қрраҳонийлар даврида Шаркий Туркистон адабиётида катта қўтарилиш юз берди. Бунда Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожибнинг ҳиссаси катта бўлди. IX асрдан бошлаб овозсиз театр (пантомимо), ашула ва рақсли театр (оперетта), ибтидоий драма театрларининг кенг қанот ёйилиши, булар учун сахна асарларининг ёзилиши, театр ва оркестрларнинг хорижга, жумладан Хитойга гастролга тез-тез бориб турганлиги бунинг далилидир. Қадим замондан сақланиб қелаётган оғзаки адабиёт, серқирра, сермазмун ва шакллари кўп бўлиб, улар халқнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, ахлоқ ва тафакқури, дарди каби масалаларга бағишланган. Ушбу адабиётда ҳикоя, шеър, қўшиқ, достон, афсона, латифа, мақол, насихат, тафсил каби жанрдаги мерослар асосий ўринда туради. V асрда айрим қўшиқлар хитой тилига таржима этилганлиги маълум. Қадимий халқ, қўшиқларининг бир қисми Маҳмуд Қошғарий асарида сақланиб қолган. Қадимий ривоятлардан «Пир чанғи», «Тангрикут ҳақида ривоят», «Бўкехон ҳақида ривоят», достонлардан «Ўғузнома», «Дадам Қўркут», «Алп Эртўнга» қабиларни тилга олиш

мумкин. Улар VI асрда топилган тош битикларда сакланиб колган.

Уйгурлар

Япон (Ютянхенг), француз (Клапрот) олимлари фикрича, уйгур атамаси мил. ав. III—II асрлардан маълум. Хитой олимларининг тадқиқотларига кўра, мил. ав. III — мил. III асрлар давомида уйгурлар шаркий ва гарбий қисмларга бўлинган. Гарбий уйгурлар уху, ухэ, шаркий уйгурлар эса вэйхэ, юанхэ, деб аталган [120; 1-бет; 98; 11-бет]. Уху, ухэ деб номланган гарбий уйгурлар Тангри тоғ ва Иртиш дарёси билан Балхаш кўли ораллигида яшаган, вэйхэ ва юанхэлар деб аталган шаркий уйгурлар Сибирь, Байкал (Бойкўл) кўли атрофида ва кузатишган. Натижада улар уйгур иттифоқи доирасида устунликни кўлга олишга ҳаракат қилган. Аммо бу кураш уларга галаба келтирмаган. Шундан кейин карлуклар уйгур иттифоқидан ажраб чиқиб илгари яшаган Тангри тоғ атрофидаги жойларни тарқ этиб Жанубий Қозоғистон ва Қирғизистон ҳудудига кўчиб келишга мажбур бўлган ва бу ердаги Суёб (Суйе), Тароз (Данлоси) каби шаҳарларни марказ қилиб олган. 840 йилда ички курашлар ва ташқи тазйиқ, натижада Уйгур хоқонлиги емирилганидан сўнг шаркий уйгурлар таркибидаги 15 қабилга гарб томонга кўчиб бориб, карлукларга қўшилган. Бу шаркий уйгурларнинг Туркистонда тарқалишида йирик воқеа бўлган. Шундан кейин Туркистонда юз берган мураккаб сиёсий вазият карлуклар бирлигининг йўқолишига олиб келди. IX асрнинг ўрталарида карлуклар 3 қисмга бўлиниб, уларнинг бири ўз жойида қолди, иккинчиси Шаркий Туркистоннинг Оксу вилоятига, учинчи бир қисми

Тоҳаристонга (ҳозирги Жанубий Ўзбекистон ва Тожикистон, Шимолий Афғонистон) кўчиб борди. Шунинг учун «Девону луготит турк»да карлук, басмил, қирғиз қабилалар на туркга, на ўғузга ажратилмаган ҳолда келтирилган. Кейинчалик карлук, ва басмиллар ўзбекларнинг қатта бир қисмини ташкил этди.

«Уйгур» атамасининг лугавий маъноси ҳақида олимлар ҳамфикрдирлар. Мазкур атама «уй» ва «гур» қабил икки сўздан ташкил топган. Буларнинг биринчиси «уюшиш», «бирлашмоқ», «иттифок» маъносини билдиради, иккинчисининг маъноси ҳақида эса турли фикрлар мавжуд. Баъзи олимлар «гур» «гуз» сўзининг ўзгарган шакли Дейдилар. Айрим олимлар тибет манбаларида уйгур атамаси «ўйхўр» Деб аталишини ва хитой манбаларида Қадимий Хитойнинг шимолий ва гарбий томонида яшаган барча халқлар умумий ҳолда «ху» (гуз ёки хўр) деб аталганини кўзда тутиб, «уйгур» айнан шу «гуз» ва «хўр» сўзларига уюшмоқни билдирувчи «уй»ни қўшиш асосида шаклланган, деб ҳисоблашади. Бошқа бир олимлар «гур» қадимий туркий тилда сўз тузишда ишлатиладиган қўшимча эди, шунинг учун уйгур этноними уюшганлар маъносини англатади, деб ҳисоблайдилар.

Фэн Цзяшэн, Чэнг Суло, Му Гуангвэн қабил уйгуршунос хитой олимлари XIV асрда ёзилган Рашид уд-диннинг «Жоме ат-таворих» асарига ишора қилиб, уйгур этнонимининг маъноси уюшиш, бирлашишдан иборатлигини таъкидлаб ўтган.

Япония ва Европа мамлакатлари олимлари асарларида ҳам «уйгур» атамаси айнан шундай маънога эга эканлиги эътироф этилади.

Уйгурлар кўп авлоддан ташкил топганлиги «Шажарайи турк» асарида ҳам айтилган. Чунончи, асарда уйгурлар «Юз йигирма урук эл эрдилар... Чингизхоннинг набираларининг замонида Мовароуннахр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйгур эрди» деб ёзилган.

Кейинги даврларда уйгур иттифокига кирган кабилаларнинг кўпчилиги ўзларининг илгариги кабила номини ишлатмасдан иттифок, номи — «уйгур» атамаси билан тарихда колган. Юкорида тилга олинган «Шажарайи турк»да уйгурлар «юз йигирма уруг эл эдилар», деб таъкидланганлиги тўла асослидир. Келтирилган маълумотлар кўрсатиб турибдики, уйгур деганда бир кабиладан кўпайган халк, деб тушиниш тарихий хақиқатга тўғри келмайди. Ушбу халкни туркий кабилаларнинг катта бир қисмидан иборат деб билиш лозим. Хитой манбаларидаги туркий кабилалар номини санаб чиққанимизда, уларнинг умумий сони 58 тадан иборатлиги маълум бўлади. Шулардан 22 таси уйгурлар таркибига киради. Кейинчалик буларнинг кўплари ўзбеклар таркибига кириб кетган. Шунинг учун ҳам уйгурлар яшаган жойлар Шаркий Туркистон худуди билан чекланмайди. Уйгур тили билан Ўзбек тилининг, урф-одатларининг ва мусика санъатининг яқинлиги бунинг исботидир.

Маълумки, уйгурлар яхлит бир халк сифатида шаклланган ва уларнинг аксарият қисми яшаган Шаркий Туркистон худуди Осиёдаги энг қадимий маданият марказларидан бири бўлган. Кунчи дарё водийсида топилган 6—6,5 минг йиллик тарихга эга бўлган жасадлар ва улар ёнида сақланиб тошга айланиб колган бугдой донлари ҳамда бошка буюмлар бунга исбот бўлади. Шу билан бирга ушбу ашёвий далиллар ўша жойда яшаган халк деҳқончиликни, жумладан бугдой экиш ва истеъмол қилишни яхши билганлигини кўрсатади. Аммо тоғ ва далаларда яшаган уйгурлар чорвачилик билан шугулланганлиги хақида ҳам маълумотлар кўп.

Ўзбек билан уйгур этник ва антропологик жихатдан нихротда яқин. Фарқи шуки, ўзбекларнинг этник таркибига араб, эронликлар, покистонлик ва хиндистонликлар, тожиклар нисбатан кўпроқ аралашган. Уйгурлар таркибига эса Корея ярим оролига яқин жойларда яшаган ва ўрта асрларда турли сабабларга кўра гарб томонга кўчган монголоид иркига мансуб шаркий гузлар (дунгху) кўпроқ аралашган. Ушбу аралашиш уйгурларнинг шаркий ва шимолий қисмида кўпроқ бўлган.

Ўтмишда уйгурлар таркибига кирган бир қанча уруг ва кабилалар кейинчалик ўзбеклар таркибига кириб кетган. Буни ўзбекларнинг 92 уруги таркибига бир назар ташлаганда кўриб олишимиз мумкин. Хар икки халк, туркийзабон халклар тоифасига киради. Ўзбекистонда яшовчи ўзбеклар орасида уйгурлар билан аралашиб кетганлар кўп учраб туради. Икки халкнинг аралашиб кетиши кўп асрлар давомида юз берган воқеа бўлиб, бу жараён Фаргона водийсида фаолроқ бўлган.

Мавжуд адабиёт ва манбалар билан танишганимизда, шундай фикрга келиш мумкинки, Ўзбекистонда уйгурларнинг пайдо бўлиши анча қадим замонларга бориб такалади. Биринчидан, минг йиллар давомида ўзбек халки билан уйгур халки Буюк ипак йўли билан боғланиб келган. Ўзбек халки Помир ва Тангри тоғ (хитойча Тяньшан)нинг гарбий томонидаги Буюк ипак йўлида фаол харакат қилган бўлса, уйгур халки Ушбу тоғларнинг шарқий томонидаги савдо йўлларида фаол харакат қилган. Маълумки, мазкур тоғларнинг икки томонидаги худудлар Осиёдаги энг қадимий маданият марказларидан хисобланади. Бунга Мовароуннахрда ва Торим воҳасида топилган археологик маълумотлар исбот бўла олади. Шу боис хар икки халк, халқаро савдо ва маданий алоқаларда муҳим ўрин эгаллаган. Улар орасидаги борди-келди муносабат тўхтовсиз давом этган. Турк хоконлиги, Қорахонийлар қаби хонликлар даврида ўзбек ва уйгур халқлари яшаган худуд бир давлат доирасида бўлганида ва Амир Темур давлати замонасида уларнинг Буюк ипак йўлидаги борди-келди муносабатлари яна ҳам фаоллашиб кетган. Шунинг учун умумий бир тил, бир дин ва бир маданият вакиллари

бўлган икки кардош халк ўртасидаги этник аралашуш жараёни анча қадим замонлардан бошлаб жиддий тус олган Қадимий Буюк ипак йўли Қашқар шаҳридан ўтганлиги ва Ўзбекистонга келганлар асосан мазкур шаҳар орқали келганлиги туфайли ўтмишда ўзбек тилида «қашқарлик» деган атама ҳам пайдо бўлган. Мазкур атама асосида уйғурлар тўпланиб яшаган жойлар «Қашқар маҳалласи» деб айtilган.

Худди шундай ахвол уйғурлар орасида ҳам мавжуд. Ўзбекистондан шарқ томонга қараб кетадиган Буюк ипак йўли Андижон орқали ўтганлиги туфайли, Қашқарда ва бошқа қатор уйғур шаҳарларида ўзбеклар «андижонлик», улар тўпланиб яшаган жойлар эса «Андижон маҳалласи», деб айtilган.

Уйғурларнинг Ўзбекистонда қадимдан бери яшаб келишига сабаб бўлган иккинчи бир муҳим омил шу бўлганки, юқрида айтиб ўтилгандек, «уйғур» катта бир гуруҳ, туркий қабилаларнинг бирикмаси бўлиб, улар шарқда Мўғулистон, гарбда Балхаш кўлигача, жанубда Шимолай тоғларигача бўлган улкан заминда ҳаракат қилганлиги туфайли, сиёсий ва иқтисодий сабабларга кўра, улар орасидаги миграцион жараён тўхтовсиз давом этган. Айрим тарихий даврларда ушбу жараён тезлашган.

Қорахонийлар хонлиги даврида ҳрзириги Ўзбекистон ҳудудида яшаган уйғурлар нуфуси кўпайган. Чингизхон ва унинг авлодлари даврида ҳам уйғурларнинг Ўзбекистон ҳудудига тарқалиши кучайганлиги қузатилган. Бунинг сабаби шу бўлганки, Чингизхоннинг 4-хотини қорахонийлар авлоди бўлган. Шу боис у ўзининг давлат ишларига, айниқса ёзув-чизув ишларга уйғурларни кўп жалб этган. Шу муносабат билан кўп зиёли уйғурлар мўғуллар даврида Ўзбекистоннинг турли вилоят ва шаҳарларида жойлашиб қолганлар. Мазкур жараён унинг авлодлари даврида ҳам давом қилади. Бу ҳақда Абулғозихоннинг "Шажараи Турк" асарида қуйидагиларни учратиш мумкин: «Уйғур халкида туркий тили билан ўқугон қишилар кўп бўлур эрди. Чингизхоннинг набираларининг замонинда Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ироқда девонлар ва дафтардорлар барчалари уйғур эрди». XVIII асрнинг ўрталарида Или водийси ва Торим воҳасида яшаган "гурларнинг Ўзбекистонга кўплаб кўчиб келиши қузатилди. Сабаби, бу асрнинг ўрталарида Шаркий Туркистонда мавжуд бўлган Жунгор хонлиги (1635-1758) ва Ёркенд хонлиги (1465-1759) бирин-кетин Хитойда ҳукмронлик қилаётган манжурлар сулоласи (Цин сулоласи - 1644—1911) кўшинлари томонидан йўқ қилиб ташланди. Иккала хонликнинг тахт ворислари ва цинларга қаршилик кўрсатган бошқалар қиргинга дуч келди [79; 102-бет]. Шунда кўп уйғурлар жазодан қутилиш мақсадида Туркистонга, жумладан Ўзбекистон ҳудудига кўчиб кетди.

Шундан кейинги 150 йил давомида Торим водийсида манжур маъмуриятига қарши кўп кўзғолонлар юз берди. Хар гал улар бостирилганда минглаб уйғурлар Кўкон хонлиги ҳудудларига кўчиб кетдилар. Айниқса, 1826 — 1828 йиларда Жаҳонгирхўжа раҳбарлигида манжурлар маъмуриятининг зулмига қарши кўтарилган кўзғолон бостирилганда Торим водийсидан Ўзбекистонга кўчиб келганлар кўп бўлди. Қозок, олими Чўқон Валихоновнинг маълумотига кўра, шунда «Фаргона ўлкасининг Кўкон, Шаҳрихон ва бошқа шаҳарларига 70 мингга яқин уйғурлар кўчиб келиб жойлашган. Ўша даврда Туркистонга кўчиб келган уйғурларнинг умумий сони 300 минг қишидан иборат бўлган.

XIX асрнинг ўрталарида Шаркий Туркистонда манжур истилочиларига қарши катта кўзғолон кўтарилган. Шу кўзғолон натижасида Шаркий Туркистон манжурлар назоратидан вақтинча озод бўлиб, у ерда тарихда «Етти шаҳар давлати» деб номланган

давлат ташкил топди. Унга пискентлик Ёкуббек кушбеги бошчилик килган эди. Аммо 1878 йилда ушбу давлат манжурлар империяси томонидан йўк килинди, хаёт колган кўзголончилар ва уларнинг уруг-аймоклари яна Туркистон худудига кочиб кутилди. Шунда Ўзбекистон худудига келганлар сони нисбатан кўп бўлди. Рус олими Г.Б.Никольскаянинг маълумотига кўра, 1878 йилгача бўлган бир неча кўзголон даврида Туркистонга кўчиб борган уйгурларнинг умумии сони 500 мингдан ошиб кетган. Келтирилган фактлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон уйгурлари анча қадимий тарихга эга. Улар ўзбек халки билан ёнма-ён яшаб бошидан кўп воқеаларни ва огир кунларни ўтказган. Урушларда кон тўкишган, пахта далаларида ва завод, фабрикаларда ишлашган. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг, уйгурлар унинг ривожланиши ва келажаги учун харакат килмоқдалар.

Аблат Хўжаев